



Сиявуш (форс. سیاهوش; пахл. Syāvakhš, Siāvaš, авест. Syāvaršan «кора от») — Эрон мифологиясида афсонавий Эрон шохи Кай-Кавуснинг ўгли ва Кай-Хосровнинг отаси. Фирдавсий достонида поклик намунаси бўлиб, ўгай онаси томонидан тухмат килинган ва бегона юртда вафот этган. С. П.Толстов фикрига кўра, қахрамон Сиявуш суратида Марказий Осиёда исломлаштиришдан олдин сигинилган ўлаётган ва тирилаётган маъбуд хусусиятлари бор.

«Авесто»да

Унинг учун касос Авестонинг учта яштасида кайд этилган, бу ерда Хаосрава Франхрасян томонидан айёрлик билан ўлдирилган отаси Сяваршан учун касос олиши айтилган. Шунингдек, у фраваша хурмат килиниши керак бўлган хварнога эга бўлган саккизта Кавия рўйхатида еттинчи деб номланган.

Ўрта форс манбаларида

Сиявахш Кай-Кавуснинг ўгли бўлган.

Айтишларича, Фрасияг ўз кўшинини Эронга карши олиб борганида у билан жангда Кай Сиявахш ҳам катнашган. Аммо Кай Уснинг хотини Сутавих туфайли Сиявахш Эронга кайтмай, Фрасияг химоясига ўтиб, Туронга етиб келади ва Фрасиягнинг кизига уйланади, у Кай Хосровни дунёга келтиради. Сиевахш ўша ерда ўлдирилган.

«Акл рухи мулохазалари»да кайд этилишича, Сиявушдан фойда - унинг ўгли Кай Хосровнинг тугилиши ва Кангдиз курилиши хисобланади. «Буюк Бундахишн» ва «Денкард»да ҳам Сиявуш Кангдиз деган иморат барпо этгани кайд этилган.

«Шохнома»даги образ

Тугилиши

Кунларнинг бирида Эрон қахрамонлари Тус, Гударз ва Гив Турон чегарасидаги тўкайдан отасидан кочган бир кизни топиб олишади (у Туронлик, Гарсивознинг невараси бўлиб чиқади). Қахрамонлар уни ким олиши хакида бахшлашадилар ва уни Эрон шохи Кай-Кавуснинг хузурига олиб келишади, шох унинг гўзаллигини кўриб, кизни харамига олади.

Уларнинг ўгли Сиявуш дунёга келади, у Зобулистонда қахрамон Рустам кўлида тарбияланади ва ундан жанг санъатини ўрганади. Сиявуш улгайгач, пойтахтга келди. Отаси бошқариш учун Кухистонни ўглига беради. Сиявушнинг онаси вафот этади, у мотам тутаяди.

Сиявуш ва Судабе

Кавуснинг катта хотини Судабе йигитга ошик бўлиб қолади ва Кавусдан йигит унинг меҳмони бўлишини сўрайди. Кавус эътироз билдирмайди ва Сиявуш Судабенинг хузурига ташриф буюради, улар гаплашади, шундан сўнг Судабе Кавусга йигитни уйлантиршини маслахат беради. Тез орада Сиявуш Судабенинг хузурига иккинчи марта ташриф буюради. Малика унга мухаббат изхор қилади ва кизини унга турмушга беришни таклиф қилади. Сиявуш учинчи марта унинг хузурига келганида, Судабе уни йўлдан оздирмокчи бўлади, лекин у ўгай онасининг таклифларини рад этади.

Шунда Судабе кийимларини йиртиб, Сиявуш уни отасининг тўшагида зўрлашга уринганликда айблади. Кай-Кавус ўглига ишонади, Судабени сўрок қилади, Сиявуш ва Судабенинг хидини ўрганади ва унинг ёлгон гапираётганига ишонч ҳосил қилади. Бирок, Судабе жодугарнинг ёрдамига мурожаат қилиб, хомиладор бўлганини, Сиявуш эса айбдор эканлигини айтади ва икки ўлик чакалокнинг жасадини кўрсатади. Кай-Кавус мунажжимлар билан маслахатлашиб, ишни текширади, жодугарни сўрок қилади ва ҳеч қандай бола ташлаш бўлмаганлигини аниқлайди.

Шунга карамай, Судабе ўз напиди туриб олади ва отаси Сиявушнинг айбсизлигини тасдиқлаш учун уни олов билан синашга қарор қилади. Сиявуш сеҳрли қора от ва совут ёрдамида оловдан омон-эсон ўтади. Кавус хотинидан газабланиб, уни осиб ўлдмокчи

бўлади, лекин Сиявуш отасидан Судабега раҳм килишини сўрайди, у буни килади.

Юриш

Афрасиёбнинг Турон кўшини Эронга бостириб киради. Сиявуш отасидан уни уришга жўнатишини сўрайди, Кавус рози бўлади. Сиявуш Рустам билан бирга йўлда Зобул (Кобул), Хирот, Балхга ташриф буюради. Балх яқинида эронликлар учун муваффақиятли жанг бўлиб ўтади, бу ҳақда Сиявуш отасига ёзган мактубида хабар беради ва жавоб олади.

Гарсиваз (Афрасиёбнинг укаси) музокаралар учун Сиявушнинг қароргоҳига келади. Рустам ва Сиявуш элчининг нутқини кўриб чиқадилар, шундан сўнг Сиявуш Афрасиёб билан сулҳ тузади ва 100 нафар аслзода туронликларни гаровга олади. Сиявуш Рустамни хабар билан Кавусга юборади.

Кавус сулҳдан хабар топгач, газабланади ва гаровга олинганларни унинг олдига занжирбанд қилиб юборишни ва душманга қарши ҳужумни давом эттиришни буюради. Рустем норозилигини билдирганда, Кавус Рустамни Систонга юборади ва Тусни кўмондон қилиб тайинлайди.

Кавуснинг хабарини олган Сиявуш Бехрам ва Зенге билан маслахатлашиб, отасининг амрини бузган ҳолда гаровга олинганларни қайтаришга қарор килади. Бунинг учун ватанида жазоланиши мумкинлигини англаб, Зенгени Афрасиёб билан музокарага юборади, у Турон подшосидан хабар олиб келади. Сиявуш кўшинни Бехрамга топшириб, отасига ўз қилмишларини тушунтириб хат ёзиб, Амударёдан ўтиб, Турон тупроғига етиб боради.

Сиявуш Туронда

Турон заминида Сиявушни у билан суҳбатлашган Пиран (Афрасиёбнинг амакиваччаси), кейин эса Кангда Афрасиёб шохнинг ўзи кутиб олади. Афрасиёб ҳузурида Сиявуш човгон ўйнаш ва камон отиш бўйича ўз маҳоратини кўрсатади, шундан сўнг Афрасиёб ва Сиявуш овга чиқишади.

Пиран Сиявушга кизи Жарирани хотинликка беради ва тез орада у билан суҳбатда Афрасиёбнинг кизи Фарангис хакида гапирди. Пиран Афрасиёбга эҳтимолий никоҳ хакида гапирди. Афрасиёб аввалига унинг машъум тушини таъбир қилган мунажжимларнинг фикрига ишониб, кизидан воз кечишни истамайди, лекин охир-оқибат таслим бўлади. Сиявуш билан Фарангиснинг тўйи бўлиб ўтади.

Афрасиёб Сиявушга салтанатнинг бир қисмини беради ва у Кангдеж шаҳрини қуради. Пиран билан келажак хакида суҳбатлашаркан, Сиявуш ўз тақдирини башорат килади. Сиявуш Сиявушгирд шаҳрини қуради, у ерга Пиран ташриф буюради ва у сафар хакида хотини ва Афрасиёбга айтиб беради.

Тухмат ва ўлим

Сиявуш, Фирдавсий таъқидлаганидек, янги ватанига хиёнат қилишга умуман интилмаган бўлсада, унинг тақдири бахтсиз бўлиб чиқди. Гарсивоз Афрасиёб топшириги билан Сиявушни зиёрат килади. Кичик хотини Жарире ўгли Форудни дунёга келтиради. Сиявуш от полоси ва камондан ўк отишда устунлик килади, сўнгра қурашда Горуи-Зерех ва Дамурни мағлуб этади (уларда адоват уйғонади).

Афрасиёбга қайтиб, Гарсивоз тухмат билан Сиявушнинг подшоҳга хиёнат қилишга тайёрлиги ва Кавусдан элчилар қабул қилаётгани хакида хабар беради. Шунда

Афрасиёб Сиявушдан келишини сўраб, бу буйрук билан Гарсивозни юборади. Сиявуш кайнотасини зиёрат килишга тайёр, аммо Гарсиваз бир сухбатда Сиявушни фикридан кайтара бошлайди ва уни Афрасиёбга қарши кайтаради ва шох куёвигга нисбатан газабда эканлигини айтади. Сиявуш ўзи учун кўркиб, келишдан бош тортади. Шунда Гарсивоз Афрасиёбга етиб келиб, Сиявушнинг очикдан-очик итоатсизлик қилганини хабар қилади.

Афрасиёб кўшин тўплаб, Сиявушга қарши юриш бошлайди. Сиявуш хомиладор Фарангис билан сухбатлашади, шундан сўнг у башоратли туш кўради, уни хотинига айтади, ўглининг тақдири хакида башорат қилади, хотини ва оти Бехзод билан хайрлашади ва отряд билан шахарни тарк этади. Сиявуш жанг қилмокчи эмас, лекин Турон кўшини унинг отрядига хужум қилади, аскарлари халок бўлади, Сиявуш эса яраланиб, асирга тушади. Уни Сиявушгирдга олиб боришади, у ерда тез суд жараёни бошланади. Гарсивоз уни Афрасиёб олдида хиёнатда айблайди, Сиявуш ўзини оклашга уринади. Пилсом (Пиранинг укаси) Сиявушни химоя қилади. Фарангис Афрасиёбдан раҳм сўради. Турон подшоси буйруги билан баходир Горуй Сиявушни ўлдиради («қўйдаи сўйиб»); бегунох қахрамон қони тўқилган жойда «Сиявуш қони» гул ўсади. Унинг яқинлари мотам тутади. Афрасиёб аломатдан кўркиб, Фарангис ва унинг тугилмаган боласини ўлдирмокчи бўлади, лекин Пиран подшоҳни шафқатсизликдан қайтаради. Қай-Кавус ўглининг ўлиmidан хабар топиб, уни зодагонлар, хайвонлар ва қушлар билан бирга мотам тутади ва Рустам унинг ўлиmidан ўч олишга қасам ичади. Кейинчалик, йигит ўлган жойда, баргларида Сиявушнинг юзи тасвирланган анжир дарахти ўсади.

Абу Муслим таржимаси